

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03.30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БУТАЯРОВ АБДУҚОДИР ТУХТАЕВИЧ

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРИ
ШАРОИТИДА ҒЎЗАНИ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ УСУЛИНИНГ
САМАРАДОРЛИГИ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УДК 631.674.6:630* 114.4:633.8 (575.151)(043.3)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
потехническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Бутаяров Абдуқодир Тухтаевич

Сурхондарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўзани томчилатиб суғориш усулининг самарадорлиги.....5

Бутаяров Абдукадир Тухтаевич

Эффективность капельного орошения хлопчатника на светло-серые супесчаные почвы Сурхандарьинской области.....21

Butayarov Abduqodir Tuhtaevich

Efficiency of drip irrigation of cotton under the conditions of light soils of the Surkhandarya region.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03.30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БУТАЯРОВ АБДУҚОДИР ТУХТАЕВИЧ

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРИ
ШАРОИТИДА ҒЎЗАНИ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ УСУЛИНИНГ
САМАРАДОРЛИГИ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2021.3.PhD/Т.2340. рақами билан рўйхатга олинган.

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Серикбаев Бакир Серикбаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шеров Анвар Гуломович
техника фанлари доктори, профессор

Норкулов Усмонкул
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли Илмий кенгашинг «17» сентябрь 2021 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел. (+99871) 237-19-61, 237-22-09 ; факс: (+99871) 237-54-79; e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация билан Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (189 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел. (+99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «24» август кuni таркатилди.
(2021 йил «23» август даги 189 рақамли реестр баённомаси)



Т.З.Султанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.А.Гаппаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

М.Х.Хамидов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, к/х.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобал иқлим ўзгариши ва сув тақчиллигининг кескин ошиб бориши натижасида қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш имконини берадиган технологиялар ва воситаларни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида мавжуд сув ресурсларининг 2,0% чучук сув захиралари бўлиб, унинг 79% қисми абадий музликлар, 20% ер ости сувлари ва 1,0% кўл ва дарё сувлари ташкил этишини ҳисобга олсак»¹, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сувдан тежамли фойдаланиш усулларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жihatдан, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув исрофгарчилигининг олдини олиш учун бошқа усуллар билан бир қаторда томчилатиб суғориш усули ва қурилмаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда чекланган сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш усулларини қўллаш асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер унумдорлигини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, сув тежовчи инновацион суғориш технологияларини қўллаш, уларнинг қурилма ва жиҳозларини такомиллаштириш, эксплуатацион ишончилигини асослаш, ерларнинг унумдорлиги ва экин ҳосилдорлигини ошириш имконини берадиган томчилатиб суғориш усулини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ресурс тежамкор суғориш технологияларини кенг миқёсда қўллаш ва сув тежамкор техника ва технологияларнинг эксплуатацион ишончилигини ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигида сув ва бошқа ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш...»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги экинларининг унумдорлигини ошириш, асосан, ғўзани етиштиришда сув тежовчи инновацион технологияларни кенг жорий этиш, уларнинг техника ва технологияларини такомиллаштириш, эксплуатацион ишончилигини асослаш орқали сув ва бошқа ресурсларни тежаш асосида ҳосилдорликни ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 -

¹<http://www.faostat.org>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони.

2030 йилларга мўлжалланган концепцияси тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 11 декабрдаги ПҚ-4919-сон «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора - тадбирлари тўғрисида» ва 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5005-сон «Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежамкор суғориш усуллари, суғориш режими, техника ва технологиялари бўйича А.Н.Костяков, И.А.Шаров, А.М.Альпатыев, Б.А.Шумаков, С.Н.Рыжов, В.Е.Еременко, Ф.М.Рахимбоев, А.К.Қашқаров, Н.Г.Лактаев, Г.А.Безбородов, Б.С.Серикбаев, Ф.А.Бараев, Р.К.Икрамов, М.Х.Хамидов ва бошқа қатор олимлар илмий-тадқиқотлар олиб боришган.

Томчилатиб суғориш технологияларини турли хил табиий-иқлим шароитида экинларни суғоришда қўллаш бўйича J.White, S.Blass, H.Kibbutz, W.J.Busscher (АҚШ), U.Or, Y.White (Исроил), М.Ромашенко, В.Сторчоус, А.Овчинников (Россия), К.К.Мусабеков, П.Н.Есенгельдиева (Қозоғистон), Ф.Бараев, Б.Қамбаров, Б.Жўракулов, А.Артиқов, Б.Маллаев, М.Саримсоқов, С.Ғуломов (Ўзбекистон) ва бошқа қатор олимлар илмий-тадқиқотлар олиб боришган.

Бугунги кунда ушбу йўналишларда олиб борилган ва эришилган илмий изланишларга қарамасдан, ммлакатимизнинг жанубий минтақаси Сурхон воҳасининг ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз, механик таркибига кўра, ўрта қумоқ тупроқлари шароитида ресурс тежамкор томчилатиб суғориш технологияларини қўллаш асосида уни такомиллаштириш, суғориш тартибини ишлаб чиқиш, эксплуатацион ишончилигини асослаш орқали сув ресурсларини тежаш ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича илмий изланишлар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ХША-3-026-2017«Ирригация тизимларида сувдан тежамли фойдаланиш технологиясининг илмий асослари (Аму - Сурхон ИТХБ шароитида)» (2017–2019 йй.) мавзусидаги хўжалик шартномаси лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сурхондарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз, механик таркибига кўра, ўрта қумоқ тупроқлари шароитида ғўзани

томчилатиб суғориш усулини такомиллаштириш, илмий асосланган суғориш тартибини ва уни амалга оширувчи томчилатиб суғориш техникаси элементларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Сурхондарё вилоятининг оч тусли бўз, механик таркибига кўра ўрта қумоқ тупроқлари шароитида ғўзани томчилатиб суғоришда суғориш меъёрларини аниқлаш учун ҳисобий қатламларни ғўзанинг ўсув фазаларига боғлиқ ҳолда илмий асослаш;

ғўзани томчилатиб суғориш усулидаги илмий асосланган суғориш тартибини ишлаб чиқиш;

ғўзани томчилатиб суғориш усулидаги суғориш техникаси элементларини илмий асослаш;

ғўзани томчилатиб суғориш усулининг сизот сувлари сатхи ва минерализациясига таъсирини аниқлаш;

ғўзани томчилатиб суғоришда тупроқнинг ҳисобий қатламида сувнинг шимилишининг математик моделини ишлаб чиқиш;

ғўзани томчилатиб суғориш усули қўлланилаётган ирригация тизимининг эксплуатацион ишончилигини аниқлаш;

ғўзани томчилатиб суғориш усулидаги суғориш тартибининг ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ҳамда томчилатиб суғоришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сурхондарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз ўрта қумоқ тупроқлари, томчилатиб суғориш усули, суғориш меъёрларини аниқлаш учун ҳисобий қатламлар, суғориш техникаси элементлари ҳамда ғўзанинг суғориш тартиби олинган.

Тадқиқотнинг предмети оч тусли бўз, механик таркибига кўра, ўрта қумоқ тупроқлари шароитида ғўзани томчилатиб суғориш усули ва бу усулдаги суғориш тартибининг суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатига, ресурслар тежалишига ва ғўзанинг ҳосилдорлигига таъсирини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида дала тадқиқотлари ва ғўзанинг фенологик кузатувлари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎзПИТИ 2007 йил), тажриба майдонининг репрезентативлиги В.В.Шабанов, Е.П.Рудаченконинг таҳлил усули, ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг дисперсион таҳлил услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

Сурхондарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз, механик таркибига кўра, ўрта қумоқ тупроқлари шароитида ғўзани томчилатиб суғориш усули суғориш меъёрлари, ҳисобий қатламларини инобатга олиб такомиллаштирилган;

оч тусли бўз, ўрта қумоқ тупроқлар учун ғўзани томчилатиб суғориш тартиблари тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги, ҳисобий илдиз қатлами ҳамда ҳавонинг ҳарорати ва нисбий намлигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

оч тусли бўз, механик таркибига кўра, ўрта қумоқ тупроқларда ғўзани томчилатиб суғориш техникаси элементлари ёндаш суғориш шланглари

орасидаги масофа, томизгичлар орасидаги масофа ва томизгичлардаги сув сарфларини инобатга олиб ишлаб чиқилган;

оч тусли бўз ўрта қумоқ тупроқлар шароитида ғўзани томчилатиб суғориш усулида суғориш тартибларининг ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

Сурхондарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз, механик таркибига кўра, ўрта қумоқ тупроқлари шароитида ғўзани такомиллашган томчилатиб суғориш усулида ва илмий асосланган суғориш тартибида суғориш, анъанавий эгатлаб суғоришга нисбатан суғориш сувини 49-53%, ғўза қатор орасига ишловлар берилмаганлиги ҳисобига техника учун ёқилғи мойлаш материалларини 35-45%, азотли ўғитлар сувда эритилиб, томчилатиб берилганлиги муносабати билан 30-35% иқтисод қилиниши, қўл меҳнати 31-36 % камайганлиги ва ғўзанинг ҳосилдорлиги 20-25% юқори бўлганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларини ишончлилиги лаборатория, дала тадқиқотлари умумий қабул қилинган тадқиқот услубларида бажарилганда ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотлар билан тасдиқланганлиги, ҳисоблашлар статистик усулларида асосланганлиги, тажрибада олинган натижалар ишлаб чиқилган дастурий воситалар орқали таққосланганлиги ва тадқиқотни натижалари амалиётда жорий қилинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Сурхондарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз, механик таркибига кўра, ўрта қумоқ тупроқлари шароитида ғўзани томчилатиб суғориш усули суғориш меъёрларини аниқлаш учун ҳисобий қатламларни ғўзанинг ўсув фазаларига боғлиқ равишда қўллаш орқали такомиллаштирилганлиги, тупроқнинг ҳисобий қатламида сув шимилишининг математик модели ишлаб чиқилганлиги ҳамда ғўзани такомиллашган томчилатиб суғориш усулидаги илмий асосланган суғориш тартиблари ҳамда уларни суғориладиган майдонларда амалга оширувчи ғўзани томчилатиб суғориш техникаси элементларининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Сурхондарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз, механик таркибига кўра, ўрта қумоқ тупроқлари шароитида ғўзани такомиллашган томчилатиб суғориш усулидаги илмий асосланган суғориш тартибларида суғориш натижасида дарё сувларини 49-53% га, ёқилғи мойлаш материалларини 43-45% га ва азотли ўғитларнинг 30-35% иқтисод қилиниши ҳамда ғўза ҳосилдорлигининг 20-25% га ошиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурхондарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўзани томчилатиб суғориш усулининг самарадорлигини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

ғўзанинг «Султон» навини оч тусли бўз, механик таркибига кўра, ўрта кумоқ тупроқлари шароитида томчилатиб суғориш усули, суғориш меъёрлари, ҳисобий қатламларини инобатга олиб такомиллаштирилди «Сурхон Сифат Текстиль» МЧЖ Денов филиали кластерининг Жарқўрғон тумани Жайронхона Миришкори СИУ хўжалигида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 04/20-3764-сон маълумотномаси). Натижада, ҳар гектардан 2720-2750 м³/гача суғориш суви тежалишга, ғўза ҳосилдорлиги 6,2-8,2 ц/га ошиши имкони яратилган;

ғўзани томчилатиб усулида суғориш тартиблари ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига таъсири аниқланди Жарқўрғон тумани «Сурхон Сифат Текстиль» МЧЖ Денов филиали кластерини сув билан таъминловчи суғориш тизимида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 04/20-3764-сон маълумотномаси). Натижада, менерал ўғитлар 30-35% гача кам сарфланиши, меҳнат сарфи 31-36% га тежалиши, тизимда сувдан фойдаланиш кўрсаткичи $R=0,71$ дан 0,98 гача кўтарилишига эришилган;

ғўзани томчилатиб суғориш усулида илмий асосланган суғориш тартиби ҳамда суғориш техникаси элементлари ёндаш суғориш шланглари орасидаги масофа, томизгичлар орасидаги масофа ва томизгичлардаги сув сарфларини инобатга олиб ишлаб чиқилди Жарқўрғон тумани «Сурхон Сифат Текстиль» МЧЖ Денов филиали кластерининг пахта майдонларида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 04/20-3764-сон маълумотномаси). Натижада, ёнилғи мойлаш харажатлари 35-45% кам сарфланиб, суғориш суви 49-53% га тежалиши, ғўза ҳосилдорлиги 20-25% ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти илмий асосланган. Тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предмети тавсифланган. Олиб борилган тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари,

тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши ва апробацияда ижобий баҳоланганлиги, чоп этилган илмий ишлар, қолаверса, диссертациянинг тузилиш тартиби бўйича қисқа маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Суғориладиган экин майдонларида сув ресурсларидан тежамли фойдаланишга оид илмий адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ўтказилган илмий-тадқиқот ва олинган натижалар, хулоса ва таклифлар, адабиётлар шарҳи, илмий манбалардан олинган тадқиқот натижалари батафсил ёритилган.

Диссертацияда ғўзани етиштиришда томчилатиб суғориш усулини қўллаш орқали ҳисобий қатламнинг намланиши бўйича талаблар ва уни амалиётда самарали фойдаланиш имкониятлари баён қилинган.


Бугунги кунда сув тежамкор технологиялардан фойдаланиб, бир қатар суғориш усулари мавжуд: ер юзасидан эгилувчан қувур орқали суғориш усули, ёмғирлатиб суғориш усули, тупроқ ичидан (субирригация) суғориш усули, томчилатиб суғориш усули ва б.қ. Мазкур суғориш усулларида асосийси томчилатиб суғориш усули. Томчилатиб суғориш усули орқали ғўзани етиштиришда илмий асосланган суғориш тартибини ишлаб чиқиш, томчилатиб суғориш усули бўйича хулосалар таҳлили келтирилган бўлиб, ҳозирги даврда илмий-тадқиқот ишларига қўйилган мақсад, вазифалар, сув танқис бўлиб турган бир шароитда суғорма деҳқончиликда чекланган ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги келтирилган.

Диссертациянинг **«Сурхондарё вилоятининг табиий - хўжалик, тупроқ - мелиоратив шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ишлари ўтказилган вилоятнинг иқлим шароитлари, табиий – хўжалик, геология – гидрогеология шароитлари, тупроқ – мелиоратив, ер – сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, дала - тажриба ишларини ўтказишни илмий – амалий асослаш. Бунда, тажриба ўтказилган ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз ўрта қумок тупроқлари шароитида олинган натижалари баён қилинган, келтирилган тадқиқот олиб борилган дала тупроғининг дастлабки агрокимёвий маълумотлари. Шунингдек, 2017– 2019 йилларнинг об-ҳаво маълумотлари бўйича ҳаво ҳарорати, ёғингарчилик миқдори, ҳавонинг нисбий намлиги, намликнинг етишмаслиги ва амал давридаги фойдали ҳароратнинг йиғиндиси ҳақида маълумотлар келтирилган. Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида сизот сувлари сатҳи 0,5 – 1,0 метрда жойлашган ерлар майдони 64 га, 1,0 – 1,5 метрда 53 га; 1,5 - 2,0 метргача 676 га; 2,0 – 3,0 метргача 4196 га; 3,0 – 5,0 метргача 9216 га; 5,0 метрдан юқори бўлган майдон 13284 га ни ташкил қилади (1, 2, 3, 4 - расмлар).


Вилоятда иссиқ кунлар давоми йилига 215-245 кундан иборат бўлиб, айрим кунлари ҳаво ҳарорати 46 °С – 57 °С га етади.




1-Расм. Ҳаво ҳарорати, °C



2-Расм. Ёгингарчилик миқдори, мм



3-расм. Ҳавонинг нисбий намлиги, %



4-расм. Намликнинг етишмаслиги, мм.


Сурхондарё вилояти 326000 га суғориладиган майдонининг 3,6 % и, яъни 11876 га турли хил экинларда томчилатиб суғориш усули орқали суғорилганлигини инобатга олган ҳолда, сув танқислиги шароитда суғорма деҳқончиликда бўлиб қолган суғориладиган ерларда ҳам сув тежовчи суғориш технологияларини ўрнатиш ва томчилатиб суғориш технологиясининг ўрнини кенгайтиришдан суғоришда ишлатиладиган дарё сувларини иқтисод қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Диссертациянинг «Ѓўзани етиштиришда томчилатиб суғориш усулини такомиллаштириш ва суғориш тартибини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари» деб номланган учинчи бобида тадқиқот услубияти, тажриба даласининг жойлашиши, тупроқнинг сув – физик хусусиятлари, тажриба ўтказиш тизими, лаборатория ҳамда дала тажрибаларининг натижалари келтирилган.

Илмий-тадқиқот ишлари 2017 – 2019 йилларда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида «Сурхон Сифат Текстиль» МЧЖ, Денов филиали кластерини Жайронхона Миришкори СИУ хўжалик ҳудудида олиб борилган, хўжаликнинг ер ости сизот сувлари 1,5 – 2,5 метр, ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз, механик таркибига кўра, ўрта қумоқ тупроқларида олиб борилди.

Тажриба 4 та вариант, 1 та назорат, 3 та тажриба, 3 такрорланишларда, ҳар бир вариант майдони 480 м², жами ҳисобий ер майдони 1,06 га ни ташкил этган. Тадқиқот ишида ғўза экилган бўлиб, ғўзани суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–75–65% тартибда олиб борилиб, тажрибада фенологик кузатувлар, НРКнинг умумий ва ҳаракатчан миқдорлари, сув

сарфини камайтириш, тупроқ ҳисобий қатламларида ғўзанинг ўсув фазаларига таъсирини ўрганиш ва ўсимлик намуналарини олиш «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» қўлланмасига асосан ўтказилган (5-расм).



5-расм. Эгатлаб ва томчилатиб суғориш усулида вариантлар ва қайтариқларнинг жойлашув схемаси.

Изоҳ: 1-Аму – Занг канали, 2-тарқатувчи канал, 3- тиндиргичли ҳовузлар; 4- электр насос; 5-қумли филтърлар; 6- қумли филтърдан қайтган лойқа сувни ховузга, чиқариб ташловчи қувур; 7- тўрли филтърлар; 8-минерал ўғитни эритувчи идиш; 9-манометр; 10- сувни очиб ёнгич (задвижка); 11-магистрал қувур; 12-тарқатувчи қувур; 13-томизгичли шланг.

Тажрибалар давомида ғўзани етиштириш, даланинг ўхшашлигини асослаш, ғўзани томчилатиб суғориш усулидаги суғориш техника элементларини илмий асослаш, ғўзани томчилатиб суғоришда суғориш меъёрларини аниқлашда ҳисобий қатламларни ғўзанинг ўсув фазаларига боғлиқлигини илмий асослаш, ғўзани суғориш тартибини ишлаб чиқиш, ғўзани томчилатиб суғоришда тупроққа сув шимилиш жараёнини математик асослаш, ғўзани томчилатиб суғориш тизимининг эксплуатацион ишончилигини таъминлаш, ғўзани етиштириш агротехникаси, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича амалий тадқиқот ишлари ўтказилди. Тажрибалар қуйидаги тизимда амалга оширилди (1-жадвал):

1 – жадвал

Ўтказилган дала тажриба тизими.

Вариантлар	Суғориш усуллари	ЧДНС га нисбатан суғориш олди намлиги, %	Намланиш тупроғини ҳисобий қатлами, см	Минерал ўғитлар меъёри, кг / га		
				N	P	K
1	Эгатлаб суғориш (Н)	70-75-65	70-100-70	250	175	125
2	Томчилатиб суғориш (Т)	70-75-65	50-70-50	250	175	125
3	Томчилатиб суғориш (Т)	70-75-65	50-50-50	250	175	125
4	Томчилатиб суғориш (Т)	70-75-65	70-70-70	250	175	125

Дала тажрибасида бир хил ўғит меъёрлари назорат вариантда ва тажриба вариантга ҳам бир хил N-250, P-175, K-125 кг/га берилди. Томизгичли шланг узунлиги (эгат узунлиги) 100 метр ўлчамда амалга оширилди. Барча лаборатория, дала, ишлаб чиқариш тажрибалари, улардаги кузатув, таҳлил ҳамда ҳисоблар ПСУЕАИТИ томонидан қабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎзПИТИ 2007) асосида олиб борилди.

Ўзани етиштиришда томчилатиб суғориш усули орқали тупроқнинг ҳисобий қатламларини ўзанинг ўсув фазаларига боғлиқ равишда қўллаш орқали такомиллаштириш, сувни тежаш ҳамда суғориш усулини такомиллаштириш бўйича дала тадқиқот ишлари ўтказилди.

Ўзани етиштириш учун эгатлаб суғоришда, суғориш меъёри натижалари. Дала тажрибаси 2017–2019 йиллар давомида олиб борилган даврий тажрибаларда ўзани эгатлаб суғоришдан фойдаланилди. Ўзани суғориш меъёрини аниқлаш мақсадида эгатлаб суғоришда, суғориш меъёрини академик С.Н.Рыжов тавсия этган формула асосида аниқланди (1-формула):

$$M = 100 \cdot h \cdot J \cdot (w_c - w) + K \quad (1)$$


Изоҳ: бу ерда: w_c – тупроқ оғирлигига нисбатан чекланган дала нам сифими, %; w – тупроқ оғирлигига нисбатан суғоришдан олдинги ҳақиқий намлиги, %; J – тупроқнинг ҳажмий оғирлиги, г/см³; h – ҳисобий қатлам қиймати, м; K – суғоришда буғланишга сарфланган сув сарфи, м³/га (ҳисобий қатламда етишмаган намликнинг 10% и).

Вилоятда ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз механик таркибига кўра, ўрта қумоқ тупроқларида суғоришдан олдинги тупроқ намлигининг ҳисобий қатлами ўзанинг ўсув, ривожланиш фазаларига мос ҳолда 70–100–70 см ҳисобий қатламда эгатлаб суғориш 1–назорат вариант суғорилганда амал даври давомида ҳар гектарига 1010–1120 м³/га суғориш меъёрида, 5 марта суғорилганда, мавсумий суғориш меъёри ҳар гектарига ўртача 5370 м³/га ни ташкил этди.

Ўзани етиштиришда томчилатиб суғориш усули бўйича тажриба вариантларининг натижалари. Дала тажрибаси 2017–2019 йиллар давомида олиб борилган давр тажрибаларда ўзани томчилатиб суғориш усулидан фойдаланиб илмий асосланган суғориш тартиби ишлаб чиқилди. Суғориш меъёрини аниқлаш мақсадида тажрибанинг 2-3-4-вариантларда томчилатиб суғориш усулида суғориш меъёрини А.М.Алпатыев ва Э.М.Алпатыевлар формуласи асосида аниқланди.

Ўтказилган дала тажрибаларида ўртача уч йиллик натижалар вариантлар ва қайтариқлар бўйича солиштирилганда, ўзани етиштиришда томчилатиб суғориш усулининг 2-тажриба вариантыда назорат вариантга нисбатан мавсумий суғориш меъёри 48,8% кам сув сарфланиб, мавсумий суғориш меъёри 2800 м³/га сув сарфланганлиги аниқланди. Тупроқнинг ҳисобий қатлами ривожланиш босқичлари бўйича 50-70-50 см ни энг яхши

натижага эришилганлигини кўриш мумкин. Ғўза ҳосилдорлиги 1- назорат вариантга нисбатан фарқли равишда 8,2 ц/га кўп бўлганлиги кузатилди. Кейинги 3-тажриба вариантыда назорат вариантга нисбатан мавсумий суғориш меъёри 45,7% кам сув сарфланиб, мавсумий суғориш меъёри 2920 м³/га сув сарфланганлиги аниқланди. Тупроқнинг ҳисобий қатламини ривожланиш босқичлари бўйича 50-50-50 см намланиш бўлганлигини кўриш мумкин, лекин ғўза ҳосилдорлиги 2-тажриба вариантга нисбатан фарқли равишда 1,1 ц/га кам кузатилди. Кейинги 4-тажриба вариантыда назорат вариантга нисбатан мавсумий суғориш меъёри 45,1% кам сув сарфланиб, мавсумий суғориш меъёри 2850 м³/га сув сарфланганлиги аниқланди. Тупроқнинг ҳисобий қатламини ривожланиш босқичлари бўйича 70-70-70 см намланиш бўлганлиги кўриш мумкин, лекин ғўза ҳосилдорлиги 2-тажриба вариантга нисбатан фарқли равишда 2,0 ц/га кам бўлганлиги кузатилди (6-расм).




6-расм. Тажриба даласида эгатлаб ва томчилатиб мавсумий суғориш меъёри (ўртача 3 йиллик)

Ғўза учун бир марта суғориш ва мавсумий суғориш бўйича ҳисобланган элементар қиймати, тупроқнинг суғориш олди намлиги, ҳисобий илдиз қатлами ҳамда ҳавонинг ҳарорати ва нисбий намлиги қийматига қараб суғориш меъёри аниқланади, яъни бир га ғўза ўсимлигига ҳисобий қатламида тупроқни намлаш учун зарур бўлган сув миқдори.

Ғўзани етиштиришда томчилатиб суғориш меъёрини аниқлаш учун биоиклим услубининг асосчиси, профессор А.М.Алпатьев ва Э.М.Алпатьевлар тавсияси бўйича биоиклим услубида суғориш меъёрини қуйидаги формуладан аниқлашни ҳам тавсия берди (2-формула):

$$M = \alpha \cdot k \cdot \sum d \cdot n - P \quad (2)$$

Бу ерда: $\alpha = 0,85-1,0$ - ўсимлик илдиз қатламига сизот сувлардан кирадиган таъминотни ҳисобга олиш коэффициенти; k - биоиклим коэффициенти; $\sum d$ - ҳаво намлик тақчиллигининг ўртача кунлик йиғиндиси, мб; n - ҳисобий даврнинг давоми; P - вегетация давридаги ёғин миқдори, мм.



7-расм. Ғўзани томчилатиб суғориш тартиби, ҳисобий қатлам 50-70-50 см.

Сув истеъмолининг декадалик тақчиллиги бўйича интеграл эгрисини координата ўқлари тизимида ордината ўқига сув тақчиллиги, абсцисса ўқига эса – календар (тақвим)ли вақтни жойлаштирилиб қурилди. Дала тажрибаси ўтказилган майдонда томчилатиб суғориш усули орқали 8-расмда ғўзани 50-70-50 см ҳисобий қатлами суғориш тартиби ишлаб чиқилганлиги келтирилган.

Ғўзани томчилатиб суғориш усули орқали суғориш техника элементларини ўрганишда, тажриба майдонида 4 та вариантдан иборат бўлиб, (1 та назорат, 3 та тажриба) ҳар бир тажриба вариантга 8 та эгатдан, ҳимоя учун эса - 4 та эгат, тажриба натижалари олинadиган томизгичли шланг (эгат)лар сони 4 тани ва 3 та қайтариқдан ташкил топган. Ҳар бир тажриба майдони 480 м² ни ташкил қилади. Ғўзани томчилатиб суғориш техника элементларини ишлаб чиқиш жараёнида вариантлар бўйича бир - биридан фарқли равишда энг мақбул техника элементлари қабул қилиб олинди. Тажрибада нишаблик 0,003-0,004 ни, томизгичли шланг (эгат)лар орасидаги масофа (эъни) 0,6 ва 0,9 метрни, тупроқ ҳисобий қатлами намланиши, назоратда 70-100-70 см, тажриба вариантда 50-70-50 см, 50-50-50 см, 70-70-70 см бўлиши қабул қилинди, томизгичли шлангдаги сув сарфи, 1,6 ва 2,2 м³/соат ни, томизгичли шлангдаги томизгичлар орасидаги масофа 0,2 - 0,3 - 0,4 метрни, томизгичли шланг (эгат) бир текисда намланишнинг ишончлилик коэффициенти, 0,99 % – 0,96 % – 0,88 % ни, томизгичли шланг (эгат) узунлиги 100 метрни ташкил қилди.


Суғориш техникаси элементлари.

Вариантлар	Суғориш усули	Нишаблик	Томизгичли шланг (эгат) орасидаги масофа, м		Тупроқ ҳисобий қатламни намланиши, см	Томизгич-ли шлангнинг сув сарфи, л/соат		Томизгич шлангнинг томизгичлар орасидаги масофаси, м	Томизгичли шланг (эгат) бир текисда намланиш ишончлилик коэффициенти, %
1.	Эгатлаб суғориш,(Н)	0.003 – 0.004	0,6	0,9	70-100-70	-	-	-	0,71
2.	Томчилатиб суғориш (Т)		0,6	0,9	50-70-50	1,6	2,2	0,2	0,99
								0,3	0,96
								0,4	0,88
3.	Томчилатиб суғориш (Т)		0,6	0,9	50-50-50	1,6	2,2	0,2	0,99
								0,3	0,96
								0,4	0,88
4.	Томчилатиб суғориш (Т)		0,6	0,9	70-70-70	1,6	2,2	0,2	0,99
								0,3	0,96
								0,4	0,88

Ѓўзани томчилатиб суғориш техникаси элементларини аниқлашда тажриба даласининг табиий хўжалик шароитига, экин турига, элементар суғориш меъёри ҳамда тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% да суғориш тизими элементлари, қабул қилиб олинган суғориш тизимидаги ишчи босим ҳисобига боғлиқ бўлган ҳолда аниқланади. Бу ерда асосий мақсад ғўзани томчилатиб суғориш усули, суғориш техникаси элементларини илмий асослаш орқали қуйидаги - томчилатиб суғориш техника элементлари бир вариантда аниқланди, ҳар бир тажриба вариант учун 4-8 та томизгичли шланг (эгат) олиниб, уларнинг бошқа эгатлардан ажралиб туриши учун чеккаларидан 2-4 томизгичли шланг (эгат) қолдирилиб, химоячилар билан чегараланди, ҳисобий эгат эса 4 та ни ташкил этади. Томчилатиб суғориш техникаси элементлари томизгичли шлангнинг ҳар 0,30 метр ораликда жойлашиши энг макбули ҳисобланди, сув сарфи эса 1,6 л/соат бўлиши яхши натижа берди, ернинг ўртача нишаблиги $i=0,003 - 0,004$ ни ташкил қилди. Томизгичли шланг (эгат) узунлиги 100 метрни ташкил қилди. Томизгичли шланглар орасидаги масофа (эгат эни), 0,6 метрда бўлганда энг яхши натижа олинди, Тупроқ ҳисобий қатлами намланиши тажриба вариантда 50-70-50 см бўлиши яхши натижа берди. Томизгичли шланг (эгат) бир текисда намланиш ишончлилик коэффициенти, 0,96% гача

бўлишига эришилди. Энг мақбул вариант 2- тажриба вариантда 50-70-50 см ли, яъни томизгичли шланг узунлиги бўйича бир текисда намланиш коэффиценти 0,96 бўлиб, сув сарфи назорат вариантга нисбатан 2720 м³/га тежалишига эришилди.

Взани етиштириш учун инфильтрация ва филтрация даври бўйича тажриба вариантлари натижалари. Тажриба даласи тупроқларининг механик таркибини таҳлил қилиш натижалари асосида сув ўтказувчанлиги аниқланди. Тупроқни сув ўтказувчанлиги муҳим физик хусусиятларидан бири бўлиб, у асосан, тупроқнинг механик таркибига, дала нишаблигига ва бошқа омилларга боғлиқ. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги икки давр: инфильтрация ва филтрация даври бўйича баҳоланади. Взани томчилатиб суғориш билан сувнинг шимилиши ва филтрацияси жараёни тасвирланиши 8-расмда кўрсатилган.



8-расм. Томчилатиб суғоришда сувнинг шимилиш тезлиги.

Дала тажриба майдонининг ўрта қумоқ тупроғида вегетация даври бошланишида биринчи соат сўнггида сувнинг сингиш тезлиги 0,041 м/соат, тўққизинчи соатнинг сўнггида 0,036 м/соат ни, филтрация коэффиценти 0,016 ва 0,013 м/соат ни ташкил этди.

Ҳар бир суғоришдан олдин ва кейин тажриба майдончасида суғориш меъёрини аниқлаш учун даланинг тажриба қуйилган қатордан 5-7 метр дала ичкарасидан ЧДНС га нисбатан тупроқнинг намлигини аниқлаш мақсадида тупроқ намуналари олиниб, термостат усулида қуритилиб, намлик аниқланиб турилди.

Взанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаши бўйича фенологик кузатувларда аниқлашимизча, ўрганилаётган ўзани суғориш олди тупроқ намлиги тартиби юқорироқ бўлганда, умумий қонуният аниқланиб, бош поянинг ўсиши тезлашиши, аммо очилган кўсақлар сони камроқ бўлиши

аниқланди. Ўсимликнинг биомасса тўплаши ва ҳосил элементлари мавжудлиги бир-бирига мутаносиб равишда бўлиши кераклиги ушбу тадқиқот ишларида ҳам таъкидланган. Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир ўтказилиши режалаштирилган агротадбирлар ўз вақтида, муддатида ва макбул меъёр-нисбатларда бажарилиши ўсимликлар нормал ўсиши ва ривожланишини таъминлайди. Бунда ғўза ўзининг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, турли омилларга талаби ҳам турлича бўлди.

2017-2019 йилларда тадқиқот ишларида ғўзани уч хил тупроқ ҳисобий қатламида парваришланганда, ғўза 1-3 август ҳолатида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% да суғорилиб, минерал ўғитлар билан озиклантириш $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га меъёрларда қўлланилганда назорат вариантыда ўртача ўсимликлар бўйи 78,3 см, ҳосил шохлари 12,8 донани, кўсаклар сони 9,6 донани, 1-3 сентябрь ҳолатида кўсаклар сони 12,3 донани, шу жумладан, очилгани 3,8 донани ташкил этди. 2-вариантда тупроқ намланиш қатлами 50-70-50 см да ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % да суғорилиб, минерал ўғитлар билан озиклантириш $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га меъёрларда қўлланилди 1-3 август ҳолатида ўсимлик бўйи 90,1 см, ҳосил шохлари 13,3 донани, кўсаклар сони 11,8 донани, 1-3 сентябрь ҳолатида кўсаклар сони 14,8 донани, шу жумладан, очилгани 4,3 донани ташкил этди. 3-вариантда тупроқнинг намланиш қатлами 50-50-50 см да ЧДНС га нисбатан 70-75-65% да суғорилиб, минерал ўғитлар билан озиклантириш $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га меъёрларда қўлланилганда 1-3 август ҳолатида ўсимлик бўйи 89,0 см, ҳосил шохлари 13,1 донани, кўсаклар сони 11,2 донани, 1-3 сентябрь ҳолатида кўсаклар сони 13,9 донани, шу жумладан, очилгани 3,9 донани ташкил этди. кейинги 4-вариантда тупроқнинг намланиш қатлами 70 – 70 - 70 см да ЧДНС га нисбатан 70-75-65% да суғорилиб, минерал ўғитлар билан озиклантириш $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га меъёрларда қўлланилиб парваришланганда 1-3 август ҳолатига келиб ўсимлик бўйи ўртача 83,2 см, ҳосил шохлари 13,2 донани, кўсаклар сони 10,6 донани ташкил этиб, 1-3 сентябрь ҳолатига келиб кўсаклар сони 14,3 донани, шу жумладан, очилгани 3,6 донани ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, ўрта толали ғўзани томизгичли шланг узунлиги 100 метр бўлганда, тупроқнинг намланиш қатлами 50-70-50 см да суғориш тартиби ЧДНС га нисбатан 70-75-65% ва минерал ўғитлар меъёрларида $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га меъёрида қўлланилганда ўсиши, ривожланиши яхши бўлиб, 3- ва 4- вариантларга нисбатан бош поя баландлигининг баландроқ бўлиши ва шу жумладан, очилган кўсаклар сонининг ҳам юқори бўлиши қонунияти, мавсумий сув сарфи назорат вариантга нисбатан 49 % гача кам ишлатилди.

Диссертациянинг «**Ўзани томчилатиб суғориш технологиясини татбиқ қилишнинг иқтисодий самарадорлиги**» номланган тўртинчи бобида ғўзани томчилатиб суғориш технологиясининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда, иқтисодий баҳо ва келтирилган натижалар асосидан фойдаланган ҳолда, сувни тежайдиган суғориш технологиясидан фойдаланиш самараси, техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳисоб-китоблари

қилинган. Ғўза олиб борилган илмий-тадқиқот ўтказилгандан сўнг иқтисодий самарадорлик ва рентабеллик кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди. Ғўзани томчилатиб суғориш тизими орқали суғориш техникавий-иқтисодий самарадорлиги проф. Д.Т.Зузик услуги бўйича аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Ғўзани томчилатиб суғоришда ўртача уч йиллик иқтисодий самарадорлиги.

Т/р	Вариантлар	Ҳосилдорлик , ц/га	Қўшимча ҳосил, ц/га	Сотишдан тушган пул даромад, сўм	Қилинган харажатлар, сўм	Шартли соф фойда, сўм	Рентабеллик даражаси, %
1.	Эгатлаб суғориш 70-100-70 см	33,6	-	20195685	14742850	5452835	32,7
2.	Томчилатиб суғориш 50-70-50 см	41,8	+8,2	23489885	16208020	7281865	44,9
3.	Томчилатиб суғориш 50-50-50 см	40,7	+7,1	22652319	15483771	7168548	41,3
4.	Томчилатиб суғориш 70-70-70 см	39,8	+6,2	22359756	15434288	6925468	40,9

Эгат орқали 30-45% сув оқовага чиқиб кетиши олди олиниши оқибатида назорат вариантыда рентабеллик даражаси 32,7% бўлган бўлса, томчилатиб суғорилганда рентабеллик даражаси 44,9% ни ёки назоратга нисбатан 12,2% га юқорилиги исботланди. Хулоса ўрнига айтиш мумкинки, ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз, механик таркибига кўра, ўрта кумоқ тупроқлари шароитида ғўзани етиштириш учун илмий - текшириш ишлари олиб борилган майдонда йиллар давомида самарали изланишлар олиб борилди. Олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида хўжалик майдонида ғўзани суғоришда томчилатиб суғориш усулидан фойдаланиш жараёнида ғўзани суғориш тартибининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда тажриба йилларида пахтанинг тан нархи, пахтани теришга ва йиғиштириб олишдаги кетган барча харажатлар жумладан, томчилатиб суғориш технологиясини ўрнатиш ва қўшимча пахтани ҳосил олиш, электр энергия харажатлари инobatга олинган. Натижада, ғўза экинидан юқори ҳосил олиниб, махсулот ҳажмини ошириш ва ҳосил сифатини яхшилаш жараёнида йилига назорат вариантга нисбатан сезиларли равишда яхши натижага эришилди. Энг яхши самарадорликка (соф даромад 7281865 сўм/га ва рентабеллик 44,9%) тажрибанинг 2- вариантыда, ғўзани томчилатиб суғориш технологиясида суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан 70 – 75 - 65% да суғориш натижасида, суғориш меъёрида 300-410 м³/га суғоришда, суғориш самарадорлиги ошиши билан бир вақтда сув ресурси 49-53% га тежалишига, унинг қўшимча ҳосилдорлиги 6,2-8,2 ц/га ошишига эришилди.

ХУЛОСАЛАР

«Сурхондарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўзани томчилатиб суғориш усулининг самарадорлиги» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз, механик таркибига кўра, ўрта кумоқ тупроқлари шароитида ғўзани етиштириш учун томчилатиб суғориш усулини қўллаб, континентал иқлими, табиий хўжалиги шароитидан келиб чиқиб, тупроқнинг дала нам сифими, ғўзанинг ўсув даврини ҳисобга олган ҳолда, мавсумий суғориш меъёри, суғориш тартибини ишлаб чиқиш орқали ҳар гектаридан 2720-2750 м³ гача сув тежалишига эришилди.

2. Ғўзани етиштиришда томчилатиб суғориш тизимининг эксплуатацион ишончлилик коэффиценти (дала шароитида) 0,85 % дан - 0,98 % га кўтарилганлиги, тизимда сувдан фойдаланиш коэффиценти 0,71 дан - 0,98 % га кўтарилиши, сувчиларнинг иш унумдорлиги 7,3-9,1 га/киши ни ташкил этди.

3. Ғўзани томчилатиб суғоришда тупроқ фаол қатламида сувнинг инфильтрация ва филтрация жараёнлари, томизгичли шланг (эгат) бўйлаб ҳисобий қатлам намланиши 50-70-50 см да бўлиши, бир хилда намланиш ҳосил қилиб, ғўза илдизи бўйлаб текис намланишга имконият яратилди.

4. Томчилатиб суғориш усулини такомиллаштириш асосида майдоннинг нишаблиги $i=0,003-0,004$; томизгичли шлангнинг узунлиги $l=100$ м; томизгичли шлангда томизгичли тешиклар орасидаги масофа $l=0,30$ м да бўлиши; томизгичли шланг (эгат) орасидаги эни, масофа $a=0,6$ м; томчилатгичлардаги сув сарфи $q=1,6$ л/соат бўлиши, суғориш вақти $t = 5 - 8$ соат бўйича энг мақбул суғориш техника элементлари асосида ғўза ҳосилдорлигининг юқори бўлиши аниқланди.

5. Ғўзани томчилатиб суғориш усулини қўллаш асосида минерал ўғитларни 30-35% гача кам сарфланганлиги аниқланди. Шу билан бирга тупроқнинг сув физик ва агрохимёвий хоссаларига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Ғўза етиштирилганда ҳайдов қатламни ҳажмий массаси 1,34 - 1,39 г/см³ ташкил этиб, натижада, ғўзанинг илдиз тизимини фаол ривожланишига имкон яратилди.

6. Ғўзани етиштиришда томчилатиб суғориш усулида сув ресурси 49-53 % га, меҳнат сарфи 31-36 % га тежалди, ёнилғи мойлаш маҳсулоти харажатлари 35-45% га кам сарфланиб, ҳосилдорлиги 6,2-8,2 ц/га ёки ишлаб чиқаришга нисбатан 20-25% фоизга оширишга эришилди, қўшимча соф фойда 7,2 млн. сўм/га га тенг бўлди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03.30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

БУТАЯРОВ АБДУКОДИР ТУХТАЕВИЧ

**ЭФФЕКТИВНОСТЬ КАПЕЛЬНОГО ОРОШЕНИЯ ХЛОПЧАТНИКА В
СВЕТЛО – СЕРЫС СРЕДНЕПЕСЧАНЫЕ ПОЧВЫ
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ**

06.01.02 - Мелиорация и орошаемое земледелие

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан № В 2021.3.PhD/Т.2340.

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете.
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу (www.tiiame.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Серикбаев Бакир Серикбаевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Шеров Анвар Гуломович
доктор технических наук, профессор

Норкулов Усмонкул
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Ведущая организация:

Каршинский инженерно-экономический институт

Защита диссертации состоится «17» сентября 2021 года в 14⁰⁰ часа на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, Ташкент, ул. Кари - Ниязий, 39 тел/ факс: (+99871) 237-19-61, 237-22-09; факс: (+99871) 237-54-79; e-mail: admin@tiiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрировано № 189). (Адрес: 100000, Ташкент, улица Кари-Ниязий, 39. тел. (+99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiiame.uz).

Автореферат диссертации разослан «24» августа 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 189 от «23» августа 2021 года.)



Султанов Т.З.

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

Гаппаров Ф.А.

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.т.н., доцент

Хамидов М.Х.

Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.с/х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в результате глобального изменения климата и резкого увеличения дефицита воды одно из ведущих мест занимает применение технологий и средств, позволяющих экономное использование водных ресурсов при орошении сельскохозяйственных культур. Учитывая, что 2,0% существующих водных ресурсов по всему миру составляют запасы пресной воды, из которых 79% - вечная мерзлота, 20% - подземные воды и 1,0% - вода озер и рек¹, требуется внедрение в практику водосберегающих методов орошения сельскохозяйственных культур. В связи с этим важное значение имеет использование методов и установок капельного орошения, наряду с другими методами, для предотвращения потерь воды при орошении сельскохозяйственных культур.

В мире проводятся научно-исследовательские работы направленные на улучшение мелиоративного состояния земель и повышение плодородия почв на основе применения водосберегающих методов орошения при экономичном и эффективном использовании ограниченных водных ресурсов, а также возделывании сельскохозяйственных культур. В связи с этим особое внимание уделяется применению инновационных водосберегающих технологий полива, совершенствованию их устройств и оборудования, обоснованию эксплуатационной надежности, обоснованию метода капельного орошения, позволяющего повысить плодородие почвы и урожайность сельскохозяйственных культур.

В республике осуществляются широкомасштабные мероприятия по широкому применению ресурсосберегающих технологий орошения при возделывании сельскохозяйственных культур и повышению эксплуатационной надежности водосберегающих техник и технологий. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важные задачи по «...применению современных агротехнологий, позволяющих экономить воду и другие ресурсы в сельском хозяйстве»². Для осуществления данных задач, важным является эффективное использование водных ресурсов, улучшение мелиоративного состояния земель и повышение плодородности сельскохозяйственных культур, широкое внедрение инновационных водосберегающих технологий при возделывании хлопчатника, совершенствование их техники и технологий, повышение урожайности на основе экономии водных и других ресурсов путем обоснования эксплуатационной надежности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 17 июня 2019 года за № УП-5742 «О мерах по эффективному

¹<http://www.faostat.org>

²Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве», Указе Президента Республики Узбекистан от 10 июля 2020 года за №-6024 «Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020–2030 годы», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 11 декабря 2020 года за № ПП-4919 «О мерах по дальнейшему ускорению организации внедрения водосберегающих технологий в сельском хозяйстве», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 24 февраля 2021 года за № ПП-5005 «Об утверждении стратегии управления водными ресурсами и развития сектора ирригации в Республике Узбекистан на 2021 - 2023 годы», а также в других нормативно-правовых документах, касающиеся этой деятельности.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование соответствует приоритетному направлению развития науки и технологии республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. По водосберегающим способам полива, режиму, техники и технологии орошения при возделывании сельскохозяйственных культур научно-исследовательские работы проводили А.Н.Костяков, И.А.Шаров, А.М.Алпатыев, Б.А.Шумаков, С.Н.Рыжов, В.Е.Еременко, Ф.М.Рахимбоев, А.К.Кашкарров, Н.Г.Лактаев, Г.А.Безбородов, Б.С.Серикбаев, Ф.А.Бараев, Р.К.Икрамов, М.Х.Хамидов и ряд других ученых.

По применению технологии капельного орошения в различных природно-климатических условиях научно-исследовательские работы проводили J.White, S.Blass, H.Kibbutz, W.J.Busscher (США), U.Or, Y.White (Израиль), М.Ромашенко, В.Сторчоус, А.Овчинников (Россия), К.К.Мусабеков, П.Н.Есенгельдиева (Казахстан), Ф.Бараев, Б.Камбаров, Б.Журакулов, А.Артиков, Б.Маллаев, М.Саримсаков, С.Гуломов (Узбекистан) и ряд других ученых.

